

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИМОМОВ ЖАМШИДХОН ОДИЛОВИЧ

СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АСОСИДА МАҲСУЛОТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ
(Мева-сабзавот маҳсулотлари мисолида)

08.00.13 – Менежмент
08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in
economic sciences**

Имомов Жамшидхон Одилович

Сифат менежменти тизимини ривожлантириш асосида маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш (Мева-сабзавот маҳсулотлари мисолида)..... 3

Имомов Жамшидхон Одилович

Повышение конкурентоспособности продукции на основе развития системы менеджмента качества (На примере плодоовощной продукции) 25

Imomov Jamshidhon Odilovich

Improving product competitiveness through the development of the quality management system (on the example of fruit and vegetable products) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИМОМОВ ЖАМШИДХОН ОДИЛОВИЧ

СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АСОСИДА МАҲСУЛОТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ
(Мева-сабзавот маҳсулотлари мисолида)

08.00.13 – Менежмент
08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Iqt61 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (tdiu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Адилова Зулфия Джавдатовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мадартов Баҳром Қувандикович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ханкелдиева Гўзал Шеровна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Эргашев Раҳматулла Хидирович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида стандартлаштириш
маркази


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.1.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «23 декабр» соат 14 00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 232-01-49, e-mail: tdiu@tdiu.uz.


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1021 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 232-01-49, e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «9» декабр кuni тарқатилди.
(2020 йил «9» декабр даги № 38 рақамли реестр баённомаси).




Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


У.В. Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор


Н.М. Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва рақобатбардошлигини оширишга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу сабабли маҳсулотлар, хусусан, мева-сабзавот маҳсулотлари сифатини ошириш, маҳсулотларни етиштириш ва кафолатланган хавфсиз етказиб бериш занжирини таъминлашда маркетинг хизматининг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. «2018 йилда дунёда ISO 9001:2015 стандарти талабларига жавоб берадиган 878 мингдан ортиқ сифат менежменти тизими ҳамда ISO 22000:2005&2018 стандарти талабларига жавоб берадиган 32 мингдан ортиқ озиқ-овқат хавфсизлигини бошқариш тизими жорий этилган»¹. Мазкур тизимларни жорий этиш кенгайиб боришига қарамай, маҳаллий амалиётда уларни қишлоқ хўжалиги кооперациялари агрокластерлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек агрологистика тизимлари фаолиятларида кенг фойдаланиш бўйича илмий ёндашувлар етарли даражада ривожланмаган. Уларни ҳисобга олган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш сифатни бошқариш тизимларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда иқтисодиётни рақамлаштириш асосида ривожлантириш шаритида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш, сифат бошқарув тизимини ривожлантириш, соҳада халқаро стандартларни жорий этиш бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қартилмоқда. Бу борада замонавий логистика тизими ва интеграция жараёни шароитида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт ҳажмини ошириш, мева-сабзавот маҳсулотлари маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, маҳсулотлар рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар таркибини комплекс баҳолаш, кафолатланган сифат менежменти тизимининг методологик-услубий асосларини рақамлаштириш талаблари асосида ташкиллаштириш сингари устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда сўнги йилларда маҳсулотларни, жумладан мева-сабзавот маҳсулотларини ички бозорда ўз мавқеини сақлаш, жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш орқали экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтиришда сифат менежменти ҳамда стандартлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. «Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси кучли рақобат шароитида сифат менежменти тизимларини ривожлантириш асосида мева-сабзавот маҳсулотлари

¹<https://www.iso.org/the-iso-survey.html>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.

рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 сентябрдаги 752-сон «Андижон вилоятида мева-сабзавотчиликни кластер усулида ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сифат менежменти тизимлари ва улардан қишлоқ хўжалиги тармоғида фойдаланишни такомиллаштириш масалалари кўплаб хорижлик олимлар, хусусан, И.Ансофф, Р.Кунц, А.Томпсон, А.Фейгенбаум, Дж.Х.Харринтон, В.Шухарт, П.Самуэлсон ва Ф.У.Тейлорнинг тадқиқотларида, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш масалалари эса М.Портер, К.Фляйшер, Б.Бенсуссан, Ф.Котлер, П.Друкер, Б.Карлоф, А.Стрикленд ва А.Оуэннинг илмий ишларида ёритилган³.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида сифатни бошқариш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш масалалари Г.Г.Азгальдов, В.А.Дедекаев, С.Т.Лапикус, В.С.Мхитраян, И.В.Калинина, Н.В.Фаткуллин, В.С.Кухарь, И.И.Чайка, Ю.М.Сапего, С.В.Карпова, В.В. Карпузов, М.М.Кане, Б.В.Иванов, В.Н.Корешков, А.Г.Схиртладзе, И.М.Лифиц сингари олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган⁴.

³Ансофф И. Стратегическое управление: пер. с англ. – М.: Прогресс, 2009.-519 с.; Кунц Р. Управление: системный и ситуационный анализ управленческих функций/ Р. Кунц, С. О'Донелл: пер. с англ. – М: Прогресс, 2001. – 201с.; Томпсон А.А. Стратегический менеджмент. Искусство разработки и реализации стратегии / А. А.Томпсон А. Дж. Стрикленд: пер. с англ.; под ред. Л.Г.Зайцева М.И.Соколовой. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2015. – 576с.; Фейгенбаум А. Контроль качества продукции. – М.: Экономика, 2014; Харринтон Дж.Х. Управление качеством в американских корпорациях. – М.: Экономика, 2010. Портер, М. Конкуренция / М. Портер; пер. с англ. О.Л. Пелявского [и др.]. – М.: Вильямс, 2005 – 602 с. Фляйшер, К., Бенсуссан, Б. Стратегический и конкурентный анализ: методы и средства конкурентного анализа в бизнесе / К. Фляйшер, Б. Бенсуссан / Пер с англ. – М., 2005. – 541 с.

⁴Азгальдов Г.Г. Проблемы измерения и оценки качества продукции. – М.: «Знание», 2012; Дедекаев В.А. Вопросы совершенствования организации комплексной системы управления качеством продукции. Дис. на

Ўзбекистонда маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва сифатни бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг умумий муаммоларини ўрганиш бўйича маҳаллий олимларимиз А.Ш.Бекмуродов, Н.Қ.Йўлдошев, Н.Махмудов, Ш.Ж.Эргашхўжаева, З.Дж.Адылова, Т.М.Аҳмедов, М.А.Икрамов, А.Ф.Расулов, Д.Н.Рахимова, Б.Т.Салимов, М.Л.Турсунходжаев, М.Юсупов, М.У.Бадалова, У.А.Садуллаев, О.А.Сафаров ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар⁵.

Шу билан бирга, сифат менежменти тизими асосида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш масалалари етарли даражада ёритилмаган. Ушбу ҳолат мазкур йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади, бу эса тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф1-161 «Халқаро стандартлар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади сифат менежменти тизимларини ривожлантириш асосида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишга қаратилган илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

канд.экон.наук. Львов, 2009; Лапикус С.Т. Экономическая эффективность повешения качества продукции, дис. на канд.экон.наук. – М., 2011; Мхитраян В.С. Статистические методы в управлении качеством продукции. – М.: Финансы и статистика, 2012; Калинина, И.В. Особенности создания системы менеджмента качества на предприятии пищевой отрасли/ И.В. Калинина, Р.И. Фаткуллин, Н.В. Наумен-ко// Вестник ЮУрГУ. Серия«Пищевые и биотехно-логии». – 2015. – Т. 3, №2. – С. 64–71, Кухарь В.С. Экономическая эффективность внедрения интегрированных систем менеджмента качества на предприятиях малого и среднего бизнеса в зерновом производстве Северного Казахстана (на материалах Костанайской области). Диссертация. Костанай-2012, Чайка И.И. Конкурентная борьба предприятий – это соревнование систем управления качеством. Стандарты и качество. – М., 2016, № 12; Ю.М.Сапего. Системное управление качеством и безопасностью продукции агропромышленного кластера. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Саранск 2017, Карпова С.В. Международный маркетинг Учебное пособие для вузов. С.В. Карпова. – 2-е изд. Перераб. и доп. – М.: Издательство «Экзамен», 2005. – 288 с., Карпузов В.В. Управление качеством в АПК. Учебное пособие. – М.: ФГОУ ВПО МГАУ, 2007 – 302 с. Кане М.М., Иванов Б.В., Корешков В.Н., Схиртладзе А.Г. Системы, метода и инструменты менеджмента качество. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2012, 546с.:ил. Лифиц И.М. Конкурентоспособность товаров и услуг: Учебное пособие. - 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Высшее образование; Юрайт-Издат, 2009. - 460 с.

⁵Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В.Ўзбекистон иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. – Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.; Адылова З.Дж. Халқаро бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси. Диссертация. – Т.: ТДИУ, 2008. - 325б, Бадалова М.У.Миллий иқтисодиётда халқаро ISO 9000 серияли сифатни бошқариш тизимини жорий этиш хусусиятлари. Иқтисодий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2008; Рахимова Д.Н. ва бошқ. Замоновий менежмент: назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009, 792 б.; Садуллаев У.А. Совершенствование системы управление качеством на хлопкоочистительных заводах Республики. Диссертация. – Т., 2011 -138б.; Сафаров О.А. Замоновий менежмент ёндашувлари асосида халқ таълими тизимини бошқаришни такомиллаштириш. Иқтисод фонлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Диссертация. Ўзб През ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси. – Т., 2018. -167 б.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

сифат менежменти тизимларини ривожлантириш орқали мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш;

мамлакат мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда сифат менежмент тизимининг ўрнини асослаш;

сифат менежмент тизимларини ривожлантириш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолаш;

мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳажмини эконометрик прогноз қилиш;

сифат менежмент тизимини ривожлантириш асосида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари ва истиқболларини белгилаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини сифат менежменти тизимини ривожлантириш асосида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий муносабатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш, иқтисодий таҳлил, тизимли ва қиёсий таҳлил, қарорни қабул қилишга ёндашув, статистик гуруҳлаш, таққослаш, таснифлаш, SWOT-таҳлил усулларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш концептуал модели маҳсулот рақобатбардошлиги ҳар бир таркибий қисмининг тегишли сифат менежменти стандарти талабга мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

саноат маҳсулотлари бозорида маҳсулот рақобатбардошлигини баҳолашда қўлланилувчи ELECTRE (Elicitation Et Choix Traduisant la Realite) усулни қўллаш асосида жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолаш услуби такомиллаштирилган;

UzGAP («Миллий мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти»)ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш асосида халқаро даражада тан олинган Global G.A.P. стандартини татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

тармоқда сифат менежменти тизимини ривожлантириш орқали мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш самарадорлигини оширишнинг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳсулотлар экспорт ҳажми ҳамда унинг географиясини кенгайтириш имконини берувчи таклиф ва тавсиялар асослаб берилган;

Ўзбекистонда мақбул қишлоқ хўжалиги амалиётини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш орқали мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт ҳажми ҳамда унинг географиясини кенгайтириш имконини беради. Шу билан бирга мева-сабзавот маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини ошириш орқали ички ҳамда жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш учун хизмат қилади. Бунинг натижасида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, экспорт ҳажминини кўпайтириш имкониятлари юзага келиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги, шунингдек мамлакатимиздаги деҳқон ҳамда фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича мақсадли давлат дастурлари, шунингдек, зарур чоратадбирлар тизимини ишлаб чиқилишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи олимларнинг стратегик бошқарувни ривожлантириш бўйича илмий-амалий қарашларини қиёсий таҳлил қилиш, тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти услубий аҳамиятга молик ишлаб чиқилган услубий тавсиялардан мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолашга оид ёндашувларни такомиллаштириш, рақобат стратегиясининг соҳага хос бўлган асосий хусусиятларини асослаб бериш, даладан дастурхонга қадар занжирини бошқаришда сифатни таъминлаган ҳолда таннархни пасайтиришнинг энг оптимал ички имкониятларини математик моделлаштириш усули орқали асослаш мева-сабзавот маҳсулотларини кучли рақобат муҳитида ривожлантириш стратегияларини шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан республикамиз мева-сабзавот маҳсулотлари бозорини ривожлантириш маркеннинг стратегияларини ишлаб чиқишда, қишлоқ хўжалигининг истиқбол кўрсаткичларини асослашда, инновацион кластерларни ривожлантириш стратегияни шакллантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сифат менежменти тизимини ривожлантириш асосида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

маҳсулот рақобатбардошлиги ҳар бир таркибий қисмининг тегишли сифат менежменти стандарти талабга мувофиқлигини таъминлаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги 02/022-3657-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти географиясини кенгайтириш ва «ўзбек сифати» белгисини янада мустаҳкамлаш имкониятини оширишга хизмат қилган;

саноат маҳсулотлари бозорида маҳсулот рақобатбардошлигини баҳолашда қўлланилувчи ELECTRE (Elicitation Et Choix Traduisant la Realite) усулни қўллаш асосида жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолашнинг такомиллаштирилган услуги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги 02/022-3657-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мамлакатнинг мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлиги ва экспорти географиясини кенгайтиришга, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини оширишга эришилган;

UzGAP («Миллий мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёти»)ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш асосида халқаро даражада тан олинган Global G.A.P. стандартини татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги 02/022-3657-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мамлакатнинг мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлиги ва экспорти географиясини кенгайтириш орқали мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини оширишга эришилган;

тармоқда сифат менежменти тизимини ривожлантириш орқали мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш самарадорлигини оширишнинг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари «Ўзстандарт» агентлиги фаолиятига жорий этилган («Ўзстандарт» агентлигининг 2020 йил 25 ноябрдаги 05/3632-сон маълумотномаси). Ушбу янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлиги ва экспорт географиясини кенгайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан 3 та монография, 10 та мақола (8 таси республика, 2 таси хорижий журналларда), 8 та конференция тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 126 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сифат менежмент тизимини ривожлантириш орқали мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобда сифат менежмент тизимларини ривожлантириш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишнинг илмий асослари тадқиқ этилиб, аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, вертикал ва горизонтал интеграция ҳамда рақобатда ҳамкорлик муносабатлари сингари омиллар асосида менежмент тизимларини ривожлантириш бўйича услубий ёндашувлар ўрганилиб, жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашда менежмент тизимларини ривожлантириш зарурати асосланган ва бу орқали мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишнинг концептуал модели ишлаб чиқилган.

Шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш бўйича мавжуд ёндашувлар ўрганилиб, жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда даладан истеъмолчига қадар занжирининг ҳар бир босқичи тегишли сифат менежменти тизими стандартлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш зарурати асосланган ва бу орқали мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишнинг концептуал модели такомиллаштирилган.

Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ўз селекциясида ўхшаши бўлмаган жуда бой, хилма-хил навлари, бетакрор сифати, бебаҳо истеъмол хусусиятлари, беқиёс мазаси ва хушбуй ҳиди, эрта баҳордан то кеч кузга қадар ҳатто қиш ойларида ҳам иссиқхоналарда етиштириш, шунингдек, қайта ишлаш ҳамда қуритиш орқали йилнинг исталган вақтида бозорларга етказиб берилиши билан ички ва жаҳон бозорида муҳим аҳамиятга эга. Умуман, мева-сабзавот маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш, бу орқали импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотларни яратиш, аввало, мамлакатда бандлик даражасини кўпайтириш, яъни қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ҳамда бу орқали уларнинг даромадини ошириш имконини берса, мамлакатга валюта тушумини кўпайтириш билан бирга жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорида имижини оширади.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, жумладан, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аграр

секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш⁶ долзарб вазифалардан бири бўлиб, ушбу вазифани амалга оширишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нафақат ички, балки жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашни талаб этади.

Маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири сифат кўрсаткичи ҳисобланади⁷. Ҳозирда аксарият истеъмолчилар ва мамлакатимиздаги ёки хорижий ҳамкорлар учун нафақат маҳсулотлар сифати, балки уларни етиштиришдан тортиб то етказиб боргунга қадар бўлган жараёнда сифатни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнларнинг кафолатланган ҳолда амалга оширилиши сифат менежменти тизими (СМТ) орқали таъминланади.

Диссертацияда рақобатбардошлик «маҳсулотларининг бозор талабига мувофиқ юқори даражада кафолатланган сифат кўрсаткичи самараси» сифатида талқин этилган. Маълумки мева-сабзаёт маҳсулотларининг сифати бевосита унинг хавфсизлик кўрсаткичлари билан боғлиқ. Ҳозирда аксарият истеъмолчилар, мамлакатимиздаги ёки хорижий ҳамкорлар учун нафақат маҳсулотлар сифати, балки уларни етиштиришдан тортиб истеъмолчига етказиб бериш занжирининг ҳар бир бўғинида сифат ва хавфсизликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.


Республикамиз мева-сабзаёт маҳсулотларининг ички ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш, бунинг натижасида экспорт салоҳиятини янада ошириш маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича халқаро стандартлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш, халқаро бозорларда «ўзбек сифати» белгисини янада мустаҳкамлаш⁸ қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий қилишни талаб этади. Маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги дастурхонга қадар занжирининг ҳар бир бўғинида, хусусан, етиштириш, ҳосилни йиғиш, ташиш, саралаш, қолиплаш, сақлаш, қуритиш, қайта ишлаш, қадоқлаш босқичларида менежмент тизимларига асосланган стандартларни жорий этиш орқали таъминланади.

Тадқиқотчи томонидан даладан дастурхонга қадар маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш занжири (1-расм) таклиф этилиб, жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорида мева-сабзаёт маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишнинг концептуал модели, унинг таркибий қисмлари тегишли сифат менежменти тизими стандартлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштириш зарурати асосланган.

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017 йил. 6-сон.

⁷Свиридова О.И. Основы формирования системы менеджмента качества на предприятиях АПК. Vestnik Orel GAU, 2(53), April 2015.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4406-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4454761>



1-расм. Даладан дастурхонга қадар маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш занжири⁹

⁹Муаллиф ишланмаси.

Даладан дастурхонга қадар маҳсулотларни хавфсиз етказиб бериш занжири 3 қисмдан иборат бўлиб, биринчи босқич таъминотчилар, яъни агро кластерлар, кооперациялар, деҳқон ва томорқа хўжаликларига хизмат кўрсатувчи марказлар ҳамда фермер хўжаликларидан иборат бўлиб, бу бўғинда жаҳон тажрибаларига мувофиқ мақбул кишлок хўжалиги амалиёти (G.A.P. стандартлари, GlobalG.A.P.) стандарти ва горизонтал интеграциялашган вазиятларда ISO 9000 стандартларини жорий этиш талаб қилинади.

Занжирнинг иккинчи босқичи агрологистика хизматлари, жумладан йиғиш, ташиш, саралаш, қолибланиш, сақлаш, қуриштириш, қайта ишлаш, қадоқлаш, ва х.к.лардан иборат бўлиб унда соҳалар бўйича сифат менежменти туркумидаги стандартларни жорий этиш талаб этилади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, даладан дастурхонга қадар маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш занжирининг ҳар бир бўғини бўйича Органик стандарт жорий этилиши, мева-сабзавот маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш орқали унинг рақобатбардошлигини оширишга эришиш имконини беради.

Тадқиқотчининг фикрича, мева-сабзавот мажмуида ҳукумат томонидан сифат менежменти тизимини жорий этишга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилиши детерминантга мувофиқ маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминловчи бошқа кўрсаткичларнинг ҳам ушбу стандартга мувофиқлигини таъминлаш орқали кафолатланган сифат кўрсаткичига эришилади.

Шунингдек, менежмент тизимларига асосланган стандартларни жорий этиш, тадбиркорлик субъектларига ҳам турли жиҳатларда манфаат келтиради:



3-расм. Сифат менежменти тизимига асосланган стандартларни жорий этиш натижалари⁹

Сифат менежменти тизимидан самарали фойдаланиш ҳамда ушбу тизимлар асосидаги халқаро стандартлар бўйича сертификатлаш тармоғи ривожланиши, тармоқ маҳсулотларининг истеъмол учун хавфсизлик даражаси ҳамда сифати ошиши, шунингдек, уларнинг ички ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашга туртки бўлади.

⁹ Муаллиф ишланмаси.

Диссертацияда мавжуд услубларни ўрганиб умумлаштирган ҳолда, мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолашга нисбатан услубий ёндашувлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унда сифат менежмент тизимининг жорий этилиш масалалари» деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари бозори иқтисодий кўрсаткичлари ўрганилиб, таҳлил қилинган. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳоланган, мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишнинг эконометрик таҳлили келтирилган.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 2019 йилда 215672,6 млрд. сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 6,9 мартага ошишини таъминлади. Шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми 108240,1 млрд. сўмни (5,9 марта), чорвачилик маҳсулотлари ҳажми 107432,5 млрд. сўмни (8,4 марта) ташкил этди.

Таҳлиллар ва кузатувлар кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига хорижий талабнинг йилдан-йилга ошиб бормоқда. Натижада 2019 йилда хорижий ҳамкорларимизга мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажми 2010 йилга нисбатан 219,3 %ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич АҚШ доллари ҳисобида 120,8 млн. АҚШ долларига тенг бўлди (4-расм).




4-расм. Мева-сабзавотлар экспорти ҳажмининг ўзгариш динамикаси¹⁰

Шу маънода мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, жаҳон бозорларини маркетинг жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиш асосида ташқи бозорларда харидоргир бўлган янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобатбардошлик ҳолати ўрганилган.

Ҳозирги ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида тўғри ва самарали қарор қабул қилиш учун албатта, илмий асос лозим бўлиб, қарорлар мажмуаси кўплаб альтернативлардан иборатлиги назарда тутилса, ҳар бир альтернативнинг баҳосини бошқа альтернативга нисбатан нисбийлиги олинади. Тадқиқотда бундай мураккаб жараён учун ELECTRE усули (Elicition Et Choix Traduisant la

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Realite – истисно ва танлов, ҳақиқатни акс эттирувчи)дан фойдаланиб, давлатларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш бўйича рақобатбардошлигини баҳолаймиз.



5-расм. Давлатларнинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича экспертлар баҳоси¹¹

Бу усул ҳар бир муқобилнинг сифат кўрсаткичи ҳисобланмай, балки фақат битта муқобилнинг бошқасидан устунлиги шартли белгиланади. Усул билан қарор қабул қилиш учун биринчи навбатда Хитой, Туркия, Украина ва Голландия давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси танлаб олинди. Танланган давлатларни шартли равишда: А – Хитой, В – Туркия, С – Украина, D – Голландия ва Е – Ўзбекистон Республикаси деб белгилашни киритиб оламиз.

Муаммонинг баёни одатда қуйидаги танланган иқтисодий кўрсаткичларни 10 та мезон асосида рейтинг шкаласи билан баҳолаб оламиз, ушбу мезонларнинг бутун сонлар орқали вазни аниқланади (5-расм). Бу аниқланган қийматлар асосида қўйилган мақсадга энг яхши муқобилларни танлаш, давлатларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш ҳисобланади. N ҳар бир мезон танланган кўрсаткич аҳамиятини тавсифловчи n бутун сон билан боғлиқ бўлиб, A муқобил B муқобилдан устун эканлиги ҳақидаги тахмин ўрганилади, бунда N мезонларидан иборат I тўплам қуйидаги учта қисмга бўлинади. Жумладан:

$I^+(x,y)$, A мезони B дан афзал бўлган мезонлар тўплами $y: x > y$;

$I(x,y)$ A дан ошадиган B мезонлар тўплами $x: y > x$;

$I^-(x,y)$ A ва B мезон қийматлари бир хил бўлган мезонлар тўплами $y=x$.

Албатта давлатлар ўртасида қайси давлатда сифат менежментини қўллаш устунлиги ва рақобатбардошлигини аниқлаш, самарали бошқаришни баҳолашни ўрганиш, аввало, мақсадни аниқлашдан бошланади (6-расм).

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, танланган давлатлар рақобатбардошлигини баҳолаш ўринли бўлади. Бунинг учун давлатларнинг иқтисодий шарт-шароитларини ўрганиш, қандай маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатишидан қатъий назар янги ишлаб чиқаришни ташкил этишдан

¹¹Муаллиф ишланмаси.

олдин ҳам, уни амалга ошириш пайтида ҳам доимий равишда мониторинги амалга оширилиши керак.

Бу борадаги асосий вазифа маълум бир фаолият соҳасида истиқболдаги талабнинг шаклланиши ва давлатлар рақобатбардошлигига таъсир қилувчи давлатларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг доимий миқдорлари талабларининг ўзгаришини ўрганиб бориш, бир-бирига яқин давлатлар фаолиятининг ривожланиш йўналишларини таҳлил қилиш ҳамда давлатларда ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)лардан потенциал фойдаланиш соҳаларини кўриб чиқиш каби омиллар гуруҳини ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, D – Голландия ва A – Хитой давлатларининг Украина давлати билан биргаликдаги конфигурациясининг устунлиги аниқланди. Қолган B – Туркия, C – Украина ва E – Ўзбекистон Республикасининг натижалари бошқа давлатларга нисбатан рақобатбардошлик даражасини пастлиги яъни, жуфтлик конфигурациясининг аҳамиятсизлигини белгилайди.

Мувофиқлик ва номувофиқлик даражаларининг «заифроқ» қийматлари (мувофиқликнинг паст даражаси ва юқори даражадаги номувофиқликлар) киритилиб, улардан камроқ муқобилли ядролар ажратилади. Ушбу даражаларни белгилаб, мувофиқлик коэффициентининг талаб қилинадиган даражасини аста-секин тушириб, номувофиқлик коэффициентининг зарур даражасини ошириб, улар мавжуд бўлган кўплаб муқобилларни ўрганадилар (1-жадвал).

1-жадвал

Номувофиқлик коэффициентининг зарур даражасини ошириш¹²

Давлатлар	Хитой-А	Туркия-В	Украина-С	Голландия-Д	Ўзбекистон-Е
Хитой-А	-	1,375	150	0,45753	6,5
Туркия-В	0,72727	-	0,6	0,37778	5,5
Украина-С	0,72368	131	-	0,41667	5,5
Голландия-Д	0,52083	1,28571	2,4	-	6,5
Ўзбекистон-Е	0,15385	0,18182	0,18182	0,15385	-

Шу билан бир қаторда муқобиллар таққосланувчи мувофиқлик ва номувофиқлик коэффициентлари қарор қабул қилувчи ва маслаҳатчи қўлида таҳлил воситаси эканлигини таъкидлаш муҳимдир. Шунинг учун номувофиқлик коэффициентининг зарур даражасини ошириш асносида таққослаш эҳтимоли бўлган давлатларни ажратиш олиш мумкин, яъни В, С, Е давлатлар устунда юқори даражадаги номувофиқликлар (мос равишда 131; 150; 6,5) мавжудлиги уларни таққослаш шарт эмаслигини келтириб чиқаради.

Шу билан бирга, мувофиқлик ва номувофиқлик кўрсаткичлари якуний хулоса чиқарилган маълумотларга нисбатан «устуворлик» даражасини тавсифлайди (2-жадвал).

¹²Экспертлар баҳоси асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Танланган давлатларнинг ўзаро рақобатбардошлик устуворлиги¹³

Давлатлар	Хитой-А	Туркия-В	Украина-С	Голландия-Д	Ўзбекистон-Е
Хитой-А	-	+	+	+	+
Туркия-В	+	-	+	+	+
Украина-С	+	+	-	+	+
Голландия-Д	+	+	+	-	+
Ўзбекистон-Е	-	-	-	+	-

2-жадвал қабул қилинган қарор самарадорлигини асослаб беради. Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, жуфт таққослаши билан (энг кўп «+» олган) D – Голландия давлатининг бошқа танланган давлатларга нисбатан рақобатбардошлик устуворлиги аниқланди.

Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, жаҳон бозорларини маркетинг жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиш асосида ташқи бозорларда харидоргир бўлган рақобатбардош янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга етказиб бериш ҳажмлари ва турларини кўпайтиришни ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини – *Exp*, мева-резавор маҳсулотлари майдони – *MrM*, қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат саноати учун асосий капиталга инвестиция ҳажми – *AKI* ва тармоқда банд аҳоли сони – *TBS*га нисбатан ўзгаришининг эконометрик моделини аниқлаш ҳамда жараёни илмий асослаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунинг учун, аввало, танланган омиллар ўртасидаги боғланиш даражасининг корреляцион коэффициент қийматини аниқлаш лозим.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўртасидаги корреляцион боғланиш

Кўрсаткичлар	<i>Exp</i>	<i>MrM</i>	<i>AKI</i>	<i>TBS</i>
<i>Exp</i>	1			
<i>MrM</i>	0,875057	1		
<i>AKI</i>	0,883027	0,666983	1	
<i>TBS</i>	0,868171	0,775356	0,722816915	1

Жадвал натижаларига кўра, барча танланган омиллар натижавий омил билан ўртача кучли зичликда боғланган ва омиллар ўртасида $|r_{x_1, x_2}| > 0,8$ шарт бажарилганда омиллар ўртасида мультиколлениарлик мавжуд эмаслиги аниқланди. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва сотиш жараёни, эркин бозор талаблари ҳамда қонуниятларига асосланиши лозим. Бу эса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ошириш ва истеъмол бозорининг тўйинишига, экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилади.

¹³Муаллиф ишланмаси.

